



BUYRUQ № 1ҚҚ

Тошкент ш.

“11” июн 2018 йил

ТКТИда 2018/2019 ўқув
йили қабулини юқори
савияда ташкил этиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон қарори ижроси ҳамда Республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар бўйича юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини инобатга олган ҳолда фойдаланишни яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги “2018/2019 ўқув йили қабулини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида”ги 511-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш ва Тошкент кимё-технология институтида 2018/2019 ўқув йили талабалар қабулига юқори савияда тайёргарлик кўриш, ҳамда ташкил этишни ва ўтказилишини таъминлаш мақсадида:

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14-майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари харбийлари ва уларнинг оила аъзоларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3726-сон қарорининг ижрочиларига етказилиши ҳамда мохияти ва ахамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлангани ижро учун қабул қилинсин.

3. Институт проректорлари (Т.Т.Сафаров, Т.Ж.Қодиров, Р.И.Адилов, О.А.Султонхўжаев), кадрлар бўлими бошлиғи (Г.А. Ахмедова), факультет деканлари (А.М.Искандеров, Ғ.Х.Ҳамрақулов, Қ.Ғ.Мухамедов, О.Қ.Юнусов), Магистратура бўлими бошлиғи (У.Н.Болтабоев), институт ҳузуридаги “Раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази” раҳбари (Х.Ч.Мирзакулов), институт ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи (Д.А.Хандамов)га;

3.1. 2018/2019 ўқув йили қабулини юқори савияда ўтказиш бўйича тадбирлар режасини уч кунлик муддатда ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлансин;

3.2. Ректор раислигида қабул комиссияси таркибини тажрибали ҳалол, пок, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлардан шакллантирилган ҳамда қуйидаги таркибдан иборат Тошкент кимё-технология институти марказий қабул комиссияси тузилсин:

Мугалов Ш.А. – Раис, ТКТИ ректори – к.ф.д., доцент.

Раис муовинлари:

Сафаров Т.Т. – Ўқув ишлари бўйича проректор, т.ф.н., доцент.

Адилов Р.И. – Илмий ишлар бўйича проректор, т.ф.н., доцент

Масъул котиб:

Қодиров Х.И. Органик кимё ва асосий органик синтез технологияси кафедраси мудири т.ф.д., доцент

Масъул котиб муовинлари:

Чориев А.Ж. – Бакалавриат қабули бўйича масъул котиб муовини, озик-овкат хавфсизлиги кафедраси мудири т.ф.н., доцент;

Болтабоев У.Н. – Магистратура қабули бўйича масъул котиб муовини, Магистратура бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент;

Аъзолари:

Султанходжаев О.А. – Молиявий-иқтисод ишлари бўйича проректор, т.ф.н., доцент, Ота-оналар ва абитуриентлар учун тегишли шароитлар яратишга масъул;

Сайфутдинов Р.С. – Ўқув-услубий бўлим бошлиғи, т.ф.д., профессор, маслаҳат дарсларини ташкил этиш бўйича масъул;

Искандеров А.М. – Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси факультети декани, т.ф.н, доцент, Абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни ДТМ ва ОЎМТВ тақдим этиш бўйича масъул,

Хамроқулов Ғ.Х. – Менежмент ва касб таълими факультети декани, т.ф.д., профессор, Тестга аудитория раҳбари ва кузатувчиларини тайёрлаш бўйича масъул;

- Юнусов О.Қ. – Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси факультети декани, т.ф.н, доцент, Тестга абитуриентларни тайёрлашга масъул;
- Мухамедов Қ.Ғ. – Ноорганик моддалар технологияси факультети декани, т.ф.н., доцент;
- Хандамов Д.А.. – Мониторинг ва ички назорат бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент, Ота-оналар ва абитуриентлардан мурожаатлар қабул қилиш бўйича масъул;
- Магруппов Ф.А. – Фахрийлар маслаҳат кенгаши раиси, к.ф.д., профессор;
- Караходжаева М.Х. – Институт Бирлашган касаба уюшмаси раиси, т.ф.н., доцент, абитуриентларни ота-оналарига шароитлар яратиб беришга масъул;
- Исмаилова Л.А.
Акбарова Ф.М. – Институт хотин-қизлар кўмитаси раиси, т.ф.н., доцент;
– 1 бўлим бошлиғи, Ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар мурожатлари бўйича масъул;
- Мусаев Х.М. – Маркетинг хизматлари бўлими бошлиғи, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, шартномалар ва абитуриентлар хужжатларини расмийлаштиришга масъул;
- Қосимов Б.А. – АТМ бошлиғи, абитуриентлар хужжатларини “Абитуриент-2018” базасига киритиш бўйича масъул оператор;
- Холмухамедова М. – ОТМ Кенгаши котиби, Фуқаро мурожатлари бўйича масъул;
- Норматов Ш. – Институт “Ёшлар иттифоқи” ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилот етакчиси, ҳудудда тартибни сақлаш бўйича масъул.

Қабул комиссиясининг тасдиқланган таркибининг ҳар бир аъзосига юклатилган вазифаларини талаб даражасида бажарилиши таъминлансин;

Абитуриентлар ҳақида маълумотлар тайёрлаш, ижодий имтиҳонлар натижаларини расмийлаштириш, жамлаш ва тақдим этишга масъул ва ижрочи ходимларга йўл қўйиладиган хатоликлар оқибати ва жавобгарлик тўғрисида батафсил тушунтириш ва йўриқномалар беришни ташкил этилсин;

3.3. Абитуриентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган олий таълим муассасаларининг бакалавриати (магистратураси)га талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларда кўрсатилган хужжатлар тақдим этилган ҳолларда, олий таълим муассасасининг қабул комиссияси хужжатларни қабул қилишни рад этишга ҳақли эмаслиги ва ушбу масъулият қабул комиссияси раиси ва масъул котибининг зиммасига юклатилиши таъкидлаб ўтилсин;

3.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизмат

ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-213-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1765-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўқув услубий бўлим бошлиғи (Р.Сайфутдинов)га:

- муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар учун бепул асосида ташкил этилган тайёрлов курсларида абитуриентларни олий таълим муассасаларига ўқишга киришга самарали тайёргарлик кўришларини таъминлаш тадбирлари ишлаб чиқиш ва амалга оширилсин;

- тайёрлов курслари зарурий услубий қўлланмалар ва дарсликлар билан таъминлаш, ўқув машғулотларини олиб бориш учун юқори малакали, кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчиларни жалб этилсин;

- таълим йўналишларига мос тест синови фанлари мажмуаси бўйича ўқув машғулотлари ва маслаҳатлар жадвали тузилсин;

- тайёрлов курслари машғулотларига қатнаётган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тингловчилар тўғрисида маълумотларни олий таълим муассасалари бош бошқармасига ҳафтанинг ҳар жума кунлари жорий йилнинг 15 июлига қадар вазирликнинг Кадрлар тайёрлаш ва Олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармасига тақдим этиб борилсин.

3.5. Масъул котиб (Қодиров Х. И.)га:

- қабул комиссиялари фаолият кўрсатадиган жойларни жорий йилнинг 15 июнига қадар қабулга оид меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, янгиланган касбга йўналтирувчи тарғиб-ташвиқот лавҳалари, фанлар бўйича дастурлар, маслаҳатлар жадвали, эълонлар ва бошқа зарур маълумотлар билан жиҳозланиши таъминлансин.

3.6. Институт ректори, проректорлари ва деканларининг абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қабул қилиш уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва ижроси устидан назорат қилиш, белгиланган муддатларда жавоблар йўллаш жараёнига бўлган масъулиятлари кучайтирилсин;

- фуқаролар қабулини жой, кун ва соатлари аниқ кўрсатилган жадвалга қатъий риоя этган ҳолда ўтказилиши таъминлансин.

3.7. Молиявий-иқтисод ишлари бўйича проректори (Султанходжаев О.А) ва маънавият бўлими бошлиғи (Д.Т. Корабоев)га:

- абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш даврида(15 июндан 15 июлгача) абитуриентлар ва уларни ота-оналарига овқатланиш ва ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шарт-шароитлар яратилсин;

- олий таълим муассасаси ҳудуди ва қабул комиссияси фаолият кўрсатаётган жойларда ташкил этилган абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари

овқатланиш масканларини мунтазам равишда фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда уларда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилсин;

3.8. Молиявий-иқтисод ишлари бўйича проректори (Султанходжаев О.А) ва 1 бўлим бошлиғи (Акбарова Ф.М.)га:

- олий таълим муассасалари худуди ва қабул комиссиялари фаолият кўрсатаётган жойларда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда бегона шахсларнинг бўлишига йўл қўймаслик, зарур бўлган ҳолларда ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларига хабар бериб тегишли чораларни кўрилиши таъминлансин.

- мазкур бинолар худудида шубҳали буюмлар, хатти-ҳаракатлар аниқланган ҳолларда зудлик билан ҳуқуқ-тартибот органларига маълум қилинсин;

3.9. Кадрлар бўлими бошлиғи(Ахмедова Г.А.)га:

- олий таълим муассасалари талабаларининг кириш синовларида ноқонуний иштирок этишини олдини олиш мақсадида Кадрлар бўлиmidан талабаларнинг ҳужжатларини асосиз чиқармаслик чоралари кўрилсин;

3.10. Факультет деканларига;

- абитуриентларни олий таълим муассасасининг таълим йўналишлари, уларда талабаларнинг билим олиш, яшаш ва бўш вақтларини фойдали ўтказишлари учун яратилган шароитлар билан таништириш мақсадида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кўргазмалар ташкил этилсин;

- мазкур тадбирлар кўргазмали тарғибот ва оммавий-ахборот воситаларида кенг ёритилишини йўлга қўйилсин;

3.11. Ахборот технологиялар маркази бўлими бошлиғи, масъул оператор (Қосимов Б.А.)га

- абитуриентлардан қабул қилинган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни (вазирлик томонидан белгиланган 1-8 шакллар бўйича) 2018 йил 15 июндан бошлаб мунтазам равишда, белгиланган муддатларда соат 18⁰⁰ гача “Абитуриент” Ахборот марказига abiturient@edu.uz электрон манзили бўйича (формат – Microsoft Excel 2003) тақдим этиш ва қуйидаги телефонлар бўйича олий таълим муассасалари Қабул комиссиялари масъул ходимлари томонидан тасдиғини олиш юклатилсин: 246-38-57, 246-01-69;

- бу борада олий таълим муассасалари Қабул комиссиялари масъул котиблари маъсулияти кучайтирилсин;

3.12. АТМ бошлиғи, абитуриентлар ҳужжатларини “Абитуриент-2018” базасига киритиш бўйича маъсул оператор ёрдамчиси (Мусаев Х.)га

- республика худудида қонуний фаолият юритаётган олий таълим муассасалари, шу жумладан республикамизда таълим фаолияти билан шуғулланиш учун рухсати (лицензияси) мавжуд бўлган хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари ҳақидаги расмий маълумотлар билан абитуриентларни таништириб борилсин.

3.13. Маркетинг бўлими бошлиғи (Мусаев Х.)га

- тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишилган холда 3 кун муддатда олий таълим муассасасининг бакалаврият ва магистратура бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотасини таълим тилларига қараб тақсимлаш бўйича таклифларни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирликка тақдим этилсин;

3.14. Қабул комиссияси раиси муовини (Сафаров Т.Т.)га;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги ПҚ-3769-сон қарорининг 18 бандида кўзда тутилган вазифаларни бажарилишини таъминлаш мақсадида ушбу қарордан келиб чиқадиган амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни бир hafta муддатда вазирликка (a.xoliqov@edu.uz) электрон манзилига тақдим этиш вазифалари топширилсин;

4. Қабул комиссияси раиси, муовинлари ва маъсул котибга;

4.1. Абитуриентлар, уларнинг ота-оналари билан бевосита мулоқот қилган холда уларда юзага келган турли саволлар бўйича тушунтириш ва маслаҳатлар беришни кўзда тутиб, олий таълим муассасалари қабул комиссиялари ҳузурида Ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилсин;

4.2. Ахборот-маслаҳат марказларига юқори малакали, кўп йиллик тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар ва ходимлар жалб этилсин;

4.3. Ахборот-маслаҳат марказлари интернетга уланган компьютер, телефон алоқаси билан таъминланган, қабулга оид меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, касбга йўналтирувчи тарғибот-ташвиқот лавҳалари, маслаҳатлар жадвали, эълонлар ва бошқа зарур маълумотлар билан жиҳозлансин;

4.4. Ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилган ҳудуд, бинога элтувчи йўлларга тегишли кўрсаткичлар ўрнатилсин;

4.5. Оммавий ахборот воситалари, жумладан, веб-сайтларда хабар бериш орқали ахборот-маслаҳат марказининг фаолияти тўғрисида алоҳида маълумот етказилсин;

Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига;

- 2018/2019 ўқув йили қабулига оид, жумладан тест синовларини ўтказиш бўйича янги ўзгаришлар;

- олий таълим муассасаси бўйича таълим йўналишлари, ўқитиш тиллари ва шакллари;

- олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ҳамда магистратурасига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиблари тўғрисидаги Низомлар;

- имтихон шакллари, таълим йўналишларининг тест бўйича мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси;

- алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларига қабул қилишни кириш тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтихонлар орқали ўтказиш тартиби;

- касбий (ижодий) имтихон топшириладиган таълим йўналишлар бўйича фан дастурлари ва баҳолаш мезонлари;

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига муддатли харбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби;

- ногиронларга ажратилган давлат гранти асосида қўшимча умумий қабул қилишнинг 2% ли квоталари, Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркиби фарзандлари учун давлат гранти асосида қўшимча умумий қабул қилишнинг 5% ли квоталари бўйича ўқишга қабул қилиш тартиблари тўғрисида тегишли тушунтириш ва консултация бериш Ахборот-маслаҳат марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин;

- Ахборот маслаҳат марказлари алоҳида бириктирилган телефон рақами орқали абитуриентлардан тушадиган саволлар, шунингдек, ижтимоий тармоқларнинг оммавий гуруҳларида берилаётган саволлар, кўтарилган муаммоларни жойида ўрганиб, тегишли тушунтириш бериб борилсин;

5. Институт проректорлари, факультет деканлари, мутахассислик кафедра мудирлари, кадрлар истеъмолчилари билан биргаликда;

- кадрлар буюртмачилари рўйхати ва 2018/2019 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул қилинган ва ўзи томонидан тақсимланган талабалар сонини, 2018/2019 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларнинг амалиёт ўташ объектлари рўйхатини шакллантирсин ва 2018 йил 1 декабр гача вазирликка тақдим этилсин.

6. Институт проректорлари, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва халқаро алоқалар бўлими бошлиғига;

- Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги Мутахассисларни хорижда таёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази, бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари таълим жараёнига хорижий етакчи олимлар, мутахассис-амалиётчилар ва юқори малакали ўқитувчиларни тегишли бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича дарс машғулотларини ўтказишга жалб этиш чоралари кўрилсин.

7. Институт проректорлари, факультет деканлари ва ўқув бўлими бошлиғига;

- олий таълим муассасалари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда жорий йилнинг 25 июль кунига қадар муддатда республика олий таълим муассасалари рейтингини хар йили аниқлаш миллий тизимни рейтингнинг устувор кўрсаткичларини белгилашда кадрларга асосий буюртмачиларнинг – вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг талабларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлансин;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда кадрларнинг асосий буюртмачилари билан биргаликда олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларини 5 йилда бир марта аттестациядан ўтказиш ва натижаларига кўра ушбу бакалавриат таълим йўналиши бўйича белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мутахассислик кафедрасининг фаолияти тугатиш ҳақида таклифлар тайёрлаш юзасидан ҳамкорлик ўрнатилсин;

8. Институт проректорлари, факультет деканлари ва ўқув бўлими бошлиғига;

- кадрлар буюртмачилари билан биргаликда ҳар йили янги ўқув йили бошлангунига қадар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ҳамда дастурларини меҳнат бозори конъюнктурасининг тез ўзгарувчан шароитида юқори малакали кадрларнинг амалий тайёргарлигини таъминлайдиган замонавий фанлар киритган ишлаб чиқариш ва реал иқтисодиёт тармоқларида инновацион ҳамда илм-фанга асосланган технологияларни татбиқ қилишни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш вазифалари юклатилсин.

9. Масъул котиб (Қодиро Х.И.) ва масъул котиб муовинлари (Чориев А .Ж., Болтабоев У.Н)га;

- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратурага ҳужжатларни қабул қилиш, ижодий (касбий) имтиҳонлар натижалари ҳамда қабул яқунлари тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида жорий йилнинг 15 июнидан 15 сентябригача фаолият кўрсатувчи “Абитуриент-2018” Ахборот маркази кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси ҳузурида ташкил этилсин.

10. Ахборот технологиялар маркази бўлими бошлиғи, масъул оператор (Қосимов Б.А.)га;

- жорий йилнинг 15 июнидан 15 сентябрига қадар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Абитуриент-2018” Ахборот маркази ихтиёрига битта компьютерни (принтери билан) вақтинча фойдаланиш учун етказиш ва бир нафар малакали оператор (Авезов.Т)ни хизмат сафарига юбориш вазифаси топширилсин.

11. Ахборот технологиялар маркази бўлими бошлиғи, масъул оператор (Қосимов Б.А.)га;

- “Абитуриент-2018” Ахборот марказининг ишчи гуруҳига республика олий таълим муассасалари бўйича абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисидаги кундалик ва 5 кунлик тахлилий маълумотларни мунтазам равишда вазирлик раҳбариятига тақдим этиб бориш вазифаси топширилсин.

12. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.